

Хар бир яхши хидматга карши унга яраша мукофот тайинламак, хеч бўлмагонда курук ташаккур ва раҳмат ўкумок табиий бўлса-да, баъзан шундай хидматларга карши тухмат эшитмак ва тақдир ўрнида тақдир кўрмак ҳам мумкинмур.

Шундай тақдир ва тавбих, ҳам хаддан ошук танкидни «Зарафшон» газетаси ҳам кўруб турадур. «Зарафшон»нинг чика бошлагонига саккиз ой бўлди. Бу муддатнинг аввалги икки ярим ойида газетани ўртоқ Гози Юнус чикарди. 5-6 ойдан бери ўртоқ Исмоилзода ишлаб турадур. Газета чика бошлагондан бери бу кунгача керак огзаки ва керак мактуб оркали хар ёқдан тахсин ва офаринлар эшитиб келдик. Хеч кимнинг танкидини ва ё норозилигини кўрмадик. Хатто газетамизнинг Кафказ ва Кримгача суйилуб ўкулгонини эшитдик.

Факат бу орада (апрел бошларида) марказий фирка кўмитасидан бир мартаба танбех ва таълим когози олдик. Бу мактубда газетамизнинг баъзи камчиликлари ёзилгон ва кераклик таълимот берилган эди. Биз у мактубга жавоб ўрнида хусусий суратда изох ёздик ва шунинг билан баробар, газетамизнинг камчиликларини тўлдиришга кўлимиздан келганча тиришиб келдик. Хануз тиришмакда бўлсак ҳам, лекин, маалтаассуф, бу ишга муваффақ бўлолмай турамыз. Газетани кўнглимиз каноатланурлик даражада чикара олмай турамыз. Бунинг сабабларини ҳам куйида сўз мавкеи келганда ёзиб ўтамыз.

Биз ўз нуксонларимизни эътироф килиб, шунинг икмолига тиришиб келаётканимиз бир вақтда букун кизик бир танкид ва хужумга учрадик. Ул танкид ва хужум эса бу кунларда марказ (Тошканд)да босилиб чиккан «Коммунист йўлдоши» мажмуасининг 2-3 нчи сониди Косим ўртоқ томонидан ёзилгон бир маколадур. Макола эгаси «Зарафшон» газетасининг баъзи камчиликларини тўгри танкид киладур. Аммо 1-2 нуксонидан ўзича аллакандай маънолар чикариб газета мухаррирларига хужум киладур. Кичкина бир камчиликдан каттагина бир «гуноҳ» топиб, шул бахона билан газетани айбламакчи ва унинг ёзишгувчиларини ким кандай «синф»лар каторига элтиб кўймокчи бўладур. Газетамизнинг бурунги 1-2 камчилигини «дастмойя» килиб олиб, «Бу фирка газетасига ўхшамайдур. Бу кандай газета, ким газетаси, кимлар учун чикариладур?», деб савол берадур-да, яна ўзи «бу саволга газетанинг бошидагилар ҳам жавоб бера олмаслар», деб «даъво» ҳам килиб кўядур.

Бошлаб унинг хаксиз танкид ва тавбихларини кўздан кечирайлик. Маколада ёзиладур: «Газета» «олий сиёсат» билан овора, Фаронсия боскунчилиги, рус масаласи, Туркия ва бошкаларга газета жиддий ахамият берадур. Самаркандликларни «олий сиёсат» жуда

кизикдурса керак. Газетага карагонда шундай фикрга келасан...

Маколалар кўбисинча яхши ўйланиб ёзилмагон, сиёсий саводга хилоф йўсинда бўлуб, шўролар ҳукумати учун ташвикот ўрнига, ўкугувчини «ҳукумат шунака эканда» дейишга мажбур киладур. Газетанинг хар нумерида байналмиллий масалалар текшириладур. Байналмиллий сиёсат ўнгдан-да, сўлдан-да «тахлил» килинадур...

Мана катта камчилик ва «гуноҳ»имизнинг бири шу экан! Сиёсат билан овора бўлиш дуруст эмас экан. Биз айтамикки, сиёсий ахволдан ёзиш ва хабардор бўлишнинг нима зарари бор экан? Газетачиликнинг бир вазифаси дунёда бўлиб тургон муҳим воқеалардан ўз ўкугувчиларини хабардор қилиб туриш эмасми? Бу кунларда жаҳонгир ҳукуматлар шўро ҳукуматини йўқотиш ва бутун Шарқни ютиш учун қандай плонлар қилиб турибдурлар. Мана уларнинг мақсад ва йўлларида Туркистон халқини оғоҳдантириш гуноҳми?... «Газетанинг хар нумерида байналмиллий масалалар текшириладур» демак катта ёлгон ва бўхтондур. Биз фақат январ, феврал ва март ойларидагина сиёсий ахволдан кўбрак ёзиб турар эдик. Апрель бошларида марказий фирка кўмитасидан бу тўғрида танбех ва таълимот олгондан сўнг озрок ёзатургон бўлдик.

Сиёсий маколаларимиз кўбисинча сиёсий саводга хилоф экан ёки ташвикотнинг тесқариси экан, буни очикдан-очик исбот ва танқид қилинса, биз камчилигимизнинг қайси нуқтада эканлигини билиб, қаламимизни ислоҳ қилар эдик. Инсон ҳатосиз бўлмас. Балки бизнинг ҳатоларимиз ҳам анчагина бордур. Фақат бу янглиш ва ҳатоларимизни тўғри танбех ва танқид воситаси билан тузатишга ҳозирмиз. Лекин бундай тухмат ёғдуриш йўли билан қилинган «танқид»ларни биз чин танқидлардан санолмаймиз. Ёлғиз 1-2 гина ҳатомизни кўзда тутуб маколаларимизнинг кўбисини «сиёсий саводга хилоф» демак тўғридан-тўғри ҳақсизлик ва ҳақиқатдан кўз юмишдан бошқа нарса эмасдур. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимдурким, сиёсатдан гапурма демак, Туркистон халқига сиёсий ахволни билиб туриш керак эмас, ёки булар сиёсатни билмай «хайвон» каби юрсунлар, демак каби ҳато бир фикрдур. Тўғриси, бундай сўзлардан мустамлақачилик иси келадур, десак ҳам мумкин дур. Хайр, Туркистон халқининг 90 фоизи илмсиз авом, булар сиёсатга ҳали тушунмайлар, дедик. Қолган 10 фоизи ҳам сиёсатдан хабардор бўлмасунми? Ёки буларнинг коммунизм сиёсатидан бошқа байналмиллий сиёсатдан хабардор бўлишга ҳақлари йўқми?...

Мақола эгаси 2нчи катта «гуноҳ»имизни шул равишда тасвир ва баён қиладур.

Юкорида «Зарафшон» кимнинг газетаси, кимлар учун чиқариладур, деган саволларни берган эдик. Бу сабабсиз эмас эди. Хангома ва бир хил «шиор»ларни олайлик. Хангомаларда «мухаррир»лар шўролар ҳукуматини «чимчилаш» ва шу маҳалларда тузалишда бўлгон камчиликлардан масхара қилиб «қулиш»ни зарур кўрадурлар... Бунда самимий танкид йўқ, фақат қулиш, халққа шўролар ҳукуматини оёғи билан юкори қилиб тасвир қилиш бор...» Бундан сўнг ёзадур: «Энди шиорлардан бир мисол:

«Олим бузулса, олам бузулур». Мана бундай шиор (ҳақиқатан, «аклик» шиор)ларни коммунистлар газетасида кўришга мушарраф бўласиз. Бу, коммунистлар газетасида босилатургон шиорми?...Бунинг жавобини мухаррир ўртокнинг инсофига топшураимиз».

Мана шул бир неча камчилигимиз учун газетамиз «аллакимлар» газетаси бўлгон экан. Газетамизнинг бундан бир неча ой бурун чиққан сонларидан бир-иккисида (ҳажв ва кулгу бўлумида) аччиғ ҳақиқатдан бир неча фикра ёзилгон ва шунда бир оз катигрок иборатлар билан баъзи камчиликлар танкид қилингон эди. Унда Косим ўрток айтганча, ҳукуматни халқ кўзига ёмон қилиб кўрсатиш йўқ эди. Агар биз ул чоғда кучлик шўро ҳукуматининг содик ходимлари ичида кичкина бир «таёқ»ка чидалмайтургон ва унинг «хубба»сини «кубба» қилиб кўрсататургон «хайрихоҳ»ларнинг борлигини билган бўлсак эди, таёғимизни бир оз ингичка ва юмшок қилиб чиқаргон бўлур эдик. Хайр, балки Косим ўрток истаганча баъзи бир камчилигимизни лозиминча «тасвир» қилишга муваффақ бўла олмагондурмиз. Бунинг учун айб бизнинг каламимиздадур.

Ҳукуматимиз янги ва ёш бир ҳукуматдур. Бунинг тузулишида камчилик ва хатолар бўлиши табиийдур. Буни Косим ўрток ҳам иқрор қиладур. Биз ҳам биламиз. Лекин шундай камчиликларни жиддий ва тўғри танкид қилишга «мусоада» борми? Танкид қилишкон тақдирда, бошқа бир «хайрихоҳ» афанди майдонга чиқиб тўғри бир сўзи-миздан эгри бир маъно чиқармасми? Сиёсий идораларда бизнинг отимиз аксилхаракатчилар каторида ёзилмас-ми?...Бу сўзларнинг ҳар ерда тўғри жавоб шул: «ҳакни айтсак урарлар»...

Макола эгаси, газетамизда бир муносабат билан бир мақоланинг охирида «олим бузулса, олам бузулур» деган арабларнинг ҳикматлик бир сўзини коммунизм маслакига хилоф деб ёзадур. Шунинг билан баробар киноялик сўзлар билан бизни истехзо этиб ўтадур. Косим ўртокнинг бу жумлаларини ўқугон киши гумон қиладурким, бизнинг газе-тамизда шундай «маъносиз» шиорлар кўб ёзилгон ва бу ундан биргина намуна мисол бўлса. Холбуки, бундан бошқа бундай ҳикматлик сўзлар ҳеч вақт ёзилгон эмасдур. Бу ҳам фақат уламомизнинг фитна ва фасодкорлиги хусусида ёзилгон бир мақоланинг остида ёзилгондур. Бу шиор коммунизм маслакига мувофиқ бўлмаса ҳам, бизнинг шарқ

халкига таъсир этарлик маънидор бир сўздур. Мавкеи келганда шундай хикматлик сўзлар ёзиб ўтишдан коммунистлар ҳам зарар кўрмаслар, деб ўйлаймиз. Бу ер Туркистондур. Ёвропо эмасдур. Бунда коммунизмнинг хар бир коида ва конунини бирдан хаётга татбик килиб бўлмайдур. Шунинг учун бундаги газеталарда ёзилатургон сўзларнинг хар бирини коммунизм маслакига татбик килиб ёзиш ҳам мумкин эмасдур. Бунга эса олти йиллик тажрибамиз очик суратда исбот этиб турубдур.

Хол шундай экан, биргина сўз устида мунча дод-фарёд килиб киёмат кўптуриш Косим ўрток каби коммунистларнинг шаънига ярашмайтургон бир сифатдур.

Энди Косим ўртокнинг тўгри танкидларига ҳам бир кўз солиб ўтайлук. Ул камчиликларимиз каторида газетамизда махаллий хабарлардан, босмачиликдан оз ёзилишини, дехконлар хаётидан ва дехкончиликдан тўла маълумот йўклигини, фирка турмушидан озрок ёзилиб тургонини ёзиб, маколанинг охирида газетамизнинг дехконлар газетаси бўлишини, сиёсат билан унча бош котирмасликни, махаллий хаётдан кўпрак ёзишни тилаб қоладур.

Биз ҳам шул йўл билан боришни биринчи максадимиз деб билганимиз учун бу тўгрида кўлимиздан келганча харакат килиб турубмиз. Лекин эсизким, газетамизни му-каммаллаштуриш учун моддий ва маънавий кучимиз етишмайдур. Газета молия жихатидан гоят торликда колгон. Шунинг учун маънавий кучимизни ҳам ортдуролмай турамиз. Хозиргача газетамизда биргина вазифалик мухбиримиз йўк эди. Шахар ва музофотимиздаги баъзи хабарларни ўзимиз топиб ёзар эдик. Факат бу кунлардагина бир мухбир оларга муваффақ бўлдик. Бу кунгача газетамизда ёлғиз бир мухаррир, бир мусаххих ва бир таржимон бор эди. Бир мухаррир кайси бир ишни бажарсун! Газетанинг хар сониде макола ёзсунми, окча учун кунда хукумат идораларида югурсунми, хабарлар ёзсунми ёки ўзи мутахассис бўлмай туриб юз мавзуда маколалар ёзсунми?

Инсоф килинсун!.. Йигирма ёшар ёш бир мухаррир кайси бир ишни килсун? Шунча оғур шароит ичида ишлаган газета хайъати тахририяси газетани хар жихатдан кандай мукамал кила олур? Бу иш мумкинми? Юкорида туриб «газета ундай бўлсун, бундай бўлсун!» деган курук «амр-фармон»лар ёки «тилақ»лар билан иш битмас. Оргик сўз ва карор замони ўтуб, иш даври келган. Энди ишлаш керак. Ишламаганларни иш бошидан хайдаш керак, «курук сўз кулокка ёкмас»...

Курук «таълимот» бериш ва «тўртаси чор як» фалсафалар сотиб ўлтуриш афв

килинмаслик жиноятдур.

Ўрток Косим айтганча, хозирда газетани дехкон газетаси килиш мумкин эмас, килингонда ҳам фойдасиздур. Биз газетани дехкон газетаси килиб сўзимизни кайси саводлик дехконга эшитдурамиз? Бу ишдан бурун бошлаб дехконлар ичида мактаб очиш, маориф таркатиш лозим ва шунинг билан баробар секин-секин газетани ҳам дехконларга фойдалиқ бир йўсинда олиб бориш керакдур.

Сўзнинг охирида шуни ҳам ёзиб ўтамизким, бизнинг катта айбимиз бўлса, ул ҳам косалесликни, маддохона ва хушомадгўйликни билмаслигимиздур. Шунинг учун тўгрилик билан ҳеч кимдан қўркмасдан ёзатургон сўзларимиз ўзгаларга каттиг тегадур.

*«Зарафшон» газетаси, 1922 йил, 21 июнь*